



HURRIYAT

201 — Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 5-oktabr, shanba * № 34 (1146)

“ЎРГИМЧАК ИНИ”

ёки коррупциядан жамиятимиз қачон қутулади?

Коррупционер, менинг назаримда, пора олувчи эмас, балки пул топишининг энг нозик йўллари ўта сезирлик билан ихтиро қилувчидир. Унинг ихтироси, наинки оддий одамларни, ҳатто профессионал экспертларни ҳам чалғитаяпти.



⇒ 2-бет

ҚОБИҚДАГИ АКС-САДО

Бу дегани келажакда босма матбуот инкирозга учрайди, дегани эмас, албатта. Чунки ижтимоий тармоқлардаги битиклар нари борса уч кунлик ё беш-олти кунлик. Тарихни эса биз истасак-истамасак, босма нашрлар дарж этади.



⇒ 4-бет

ОНА МЕХРИ

(Бобомнинг ҳикояси)

Онамнинг бўйнидан қаттиқ қучдим. Ишонасизми, танамда зигирча ҳам оғриқ йўқ эди. Гўё қўрқинчи тушдан уйғонгандим. Меҳрдан маст эдим. Унинг иссиқ қучоғидан айрилиб, ерга тушишни уйламасдим.



⇒ 5-бет

• ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР

Давлатимиз раҳбари Валентина Матвиенкони қабул қилди

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.

Урашувда икки томонлама муносабатлар, шунингдек, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, транспорт-логистика, агросаноат, илмий-техник соҳаларда истиқболли лойиҳаларни илгари суришда, таълим ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришда икки мамлакат парламентларининг фаол иштирокига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиясининг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Эҳтиёжмандлар учун янги уйлар

ҚОРАҚЛПОҒИСТОН. Президентимизнинг Мўйноқ тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича берган топшириқларидан келиб чиқиб, ҳудудда истиқомат қилувчи яқка-ёлғиз фуқароларга ёрдам кўрсатишмоқда.

Туманда 22 нафар шундай фуқаро рўйхатга олинган. Улардан оғир аҳволдаги 8 нафарига ва 3 та кам таъминланган оилага янги уйлар ажратилди. Айни пайтда уйлар тўлиқ таъмирланмоқда. Жорий йилнинг 25 сентябрь куни 1 нафар яқка-ёлғиз фуқаро ва 1 нафар кам таъминланган оилага янги уйлар қалити топширилди. Яқин кунлар ичида қолган уйлар ҳам ўз эгаларига топширилиши кўзда тутилмоқда.

Сел сув ombори қурилади

СУРХОНДАРЁ. Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилояти Сарносӣ туманида Обизарағ сел сув ombорини қуриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Унда “Усувлюйиҳа” АЖ томонидан 13,15 млн. куб метр ҳажмдаги сел сув ombори қурилиши назарда тутилган. Айни пайтда лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Уни амалга ошириш муддати 2023 йил 30 апрель қилиб белгиланмоқда.

Таълимда инновацион ёндашув

СИРДАРЁ. Жорий йилда илк мартаба республикамиздаги мавжуд ўн мингга яқин мактабдан 10 фойзидан (956 та) ўрганишлар ўтказилди ва мактаблар рейтинг эълон қилинди.

Жараёнда тўпланган тажриба асосида Сирдарё вилоятидаги барча мактаблардан биттадан 9-синфлар танлаб олинади. Маэкур синф ўқувчилари она тили фани бўйича диктант ва математика бўйича ёзма ишлар топширади. Жараёни шаффоф ва объектив ташкил этиш мақсадида Таълим инспекцияси ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари билан иборат 15 та ишчи гуруҳ тузилган.

Замонавий тиббиёт кластери

ЖИЗЗАХ. Ғаллаорол туманида замонавий тиббиёт кластерини ташкил қилиш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тақдирини маълум қилди.

Лойиҳа учун масъул “Medical care cluster” масъулияти чекланган жамиятидир. Вилоят ҳокимлиги “Medical care cluster” МЧЖга лойиҳани амалга ошириш учун доимий эгаллик қилиш ва фойдаланиш, бино ва иншоотлар, клиникалар, шифохоналар, таълим кампуслари ва бошқа объектлар қуриш ҳуқуқини берди. Бир ой муддат ичида ушбу жамиятга тумандаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган умумий майдони 10 гектар ер участкаси ажратилди.

Ўз мухбирларимиз.

Мавсумга тайёргарлик

БУХОРО. Айни пайтда республикамиз бўйлаб куз-қиш мавсумидан талафотсиз чиқиш чоралари кўрилмақда.

Вилоятдаги 396671 аҳоли ҳамда 20776 юридик истеъмолчига узлуksиз электр энергия таъминоти етказиб берилди. Бунинг учун “Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари” АЖ Бухоро магистрал электр тармоқлари филиали, “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси АЖ ва улар тасарруфидаги шаҳар-туман корхоналари зарур чора-тадбирлар ишлаб чиққан. 2508,5 километр 0,4-110 кВтли тармоқлар, 683 дона 6-10/0,4 кВтли трансформатор пунктлари, 5 дона 35-110 кВтли куч трансформаторлари, 3 километр электр тармоғи, 2 дона компрессор мукамал таъмирланди.

М.КАРИМОВ.



САЙЛОВЛАР:

ЯНГИ Ўзбекистоннинг имкониятлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ билан суҳбат

— Мирзо Улуғбек Элчиевич! Аввало, Марказий сайлов комиссиясининг иши “қайнагандан қайнаб” бораётган бир пайтда суҳбат учун вақт ажратганингиз учун Сиздан миннатдоримиз!

— Ишимиз кундан-кунга “қайнаб” бораётгани тўғри. Бу — табиий. Чунки, мамлакатимизда катта сиёсий тадбир — жорий йилнинг 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўладиган сайловлар кампанияси тобора қизгин паллага кириб бормоқда.

Мен журналистлар мулоқотга чорлаганида ҳар доим хайрихоҳлик билан жавоб беришга умидманман. Чунки, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан доимий мулоқот, нафақат Марказий сайлов комиссияси Раисининг, балки барча даражадаги сайлов комиссиялари раҳбарлари ва аъзоларининг бурчи, вазифасидир. Сайловларни очик, ошқора ва умумэтироф этилган ҳалқаро демократик тамойиллар асосида ўтказишнинг муҳим шартларидан бири ҳам шу.

Этибор берган бўлсангиз, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган кун — 20 сентябрда бирийўла учта тадбир — МСКнинг мажлиси, Халқаро матбуот марказининг очилиши ва кенг кўламли матбуот анжумани ўтказилди. Уларнинг учаласи ҳам журналистларнинг фаол иштирокида ўтди. Кўплаб саволлар берилди. Телевидение ўша кунги тадбирларни тўғридан-тўғри эфирга узатди.

— Аввалги сайловларда Марказий сайлов комиссиясининг журналистлар билан мулоқот майдони сал соддароқ — “Матбуот маркази” деб аталар эди. Бу гал унинг номига “халқаро” атамаси қўшилди. Сабаби нимада?

— Бу, аввало, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг дунёга бағрини янада кенгроқ очаётгани, давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилган тизимли, изчил, айна пайтда, жадал ислохотларнинг демократик давлат ва адолатли жамият барпо этиш босқичига дадил қадам қўйгани, очиклик ва ошқоралик ҳаёти-миздан тобора кенг ва мустақам ўрин олаётгани, давлатимизнинг дунёда нуфузи ошаётгани ҳамда барча йўналишларда халқаро алоқалари кенгайиб бораётгани билан боғлиқ.



Халқаро матбуот маркази таркибида олти та гуруҳ фаолият юритади. Булар — электрон, босма, хорижий оммавий ахборот воситалари, интернетдаги ижтимоий тармоқлар билан ишлайдиган ҳамда ҳудудий матбуот марказларининг фаолиятини мувофиқлаштириб борадиган гуруҳлар. Айни пайтда, Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов ўтказадиган округ сайлов комиссияларининг ҳам ўз матбуот марказлари бор. Уларга ҳам мамлакатимизнинг энг юксак салоҳиятли ва тажрибали журналистлари жалб этилган.

— Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайловларга қандай тайёргарлик кўрди? Сиздан жорий йилдаги сайловларнинг аввалгилардан фаркли жиҳатлари ҳақида сўралса, қандай жавоб берган бўлар эдингиз?

— Ҳар қандай демократик давлатда сайловлар муҳим сиёсий воқеа ҳисобланади. Давлат ҳокимияти органларини сайлов орқали шакллантириш — мамлакатдаги конституциявий турот воситалари, интернетдаги ижтимоий тармоқлар билан ишлайдиган ҳамда ҳудудий матбуот марказларининг фаолиятини мувофиқлаштириб борадиган гуруҳлар билан бирдир.

3 →

► Эътибор

Президентимизнинг 2019 йил 2 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ko'ngil ko'zi» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ижроси доирасида жорий йилнинг 3 октябрь куни Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 77-сонли ихтисослаштирилган кўзи ожизлар интернат-мактабида компьютер маркази хонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

«Ko'ngil ko'zi» — қалбларга йўл очади

Унда Агентлик директори ўринбосари Саида Мирзиёева ўқувчиларни ўқув-ўзлаштиришдаги ютуқлари билан табриқлар экан, жумладан, шундай деди:

— Лойиҳа доирасида сизларнинг ижтимоий йўналишида билим олиб келажакда жамиятда муносиб ўрин эгаллашингиз, ўз лойиҳаларингизни ҳаётга татбиқ этишингиз, билим марраларини эгаллашда ортга чекинмасдан, фақат олға интилишингизга етарли шароит яратиш мақсадида махсус компьютер маркази хонасини ташкил этдик. Марказ хонасига ўрнатилган энг замонавий технология компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиши, йигит-қизлар маънавиятини юксалтириш учун китобхонликни кенг тарғиб қилишни тизимли ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур интернат-мактабда дунё стандартлари асосида ташкиллаштирилган таълим тизими жорий этилган. Ўқувчиларнинг гуруҳларга бўлиниб дарсларда қатнашаётганига эътибор қаратдик, синфхоналар, билим олиш учун имконияти чекланмаган ўқувчиларни каби жиҳозланган, дарслар ҳам таълим тизими дастури асосида олиб борилади. Деярли фарқ сезилмайди. Аммо ҳар томонлама соғлом ўқувчилар таълим олаётган айрим ўқув даргоҳларида ўрни келса, биронта фан олимпиадаси ғолибини ёки бошқа соҳада юксак эътирофга сазовор бўлган ўқувчини учратавермаймиз...

Буни қарангки, кўзи ожиз болалар таълим оладиган интернат-мактаб ўқувчиларидан Мирсаид Мухторов Болгарияда ўтказилган халқаро мусиқа фестивалида пианинода жаҳон композиторлари яратган мусиқаларни моҳирона ижро этиб, I даражали диплом билан тақдирланди. Дониёр Солиев эса ўтган параолимпиада ўйинларида гуруҳи мусобақасининг ғолиби бўлди.

— 2018-2019 ўқув йилини муваффақиятли тугатган 16 нафар ўқувчимиздан 7 таси жорий йил олий ўқув даргоҳларининг талабаси бўлишди.

6 →



“ОБУНА — 2020”

Келгуси йил учун обуна бошланди!

Азиз юртдошлар, “HURRIYAT”га ошно юраклар — албатта обуна бўлинг.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ ва “Матбуот тарқатувчи” АК филиаллари ҳамда соҳага тааллуқли бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Нашр индекси: 233.

► Тадбир

Мамлакатимизда пластик карталар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш аҳоли учун қўлай бўлиб қолди. "Асака" банк ҳам ўз мижозларига енгиллик яратиш мақсадида пластик карталардан фойдаланишда тез ва осон усулларни жорий этмоқда.

Аҳоли учун замонавий қўлайликлар

Яқинда банк муассасасида "Пластик карталарга хизмат кўрсатиш, уларнинг турлари ва афзалликлари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Бугунга келиб, банк муомалага чиқарган пластик карталар сони 2.0 млн. донани ташкил этади, ўрнатилган терминаллар сони эса 12 мингтадан ошди. Тўловлар тизimini ривожлантиришда жами 2,5 минг дона "Хумо" терминаллари ўрнатилиб, 51 минг дона "Хумо" тўлов карталари муомалага чиқарилди. 2019 йилнинг сентябридан бошлаб ўшбу карталарга овердрафт кредитларини ажратиш жорий қилинди.

Банкимизнинг барча филиалларида туну-кун ишлайдиган 20 та — 24/7 шохбчалар ва турли меҳмонхоналарда 189 та банкомат ҳамда инфокиоскалар мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда, — деди банк бошқаруви раиси ўринбосари Бобохон Абдуллаев. — Жорий йилнинг 31 декабрига қадар 24/7 шохбчаларининг сонини 40 тага, банкомат ва инфокиоскаларни эса 266 тага етказиш режалаштирилган. Мижозларга қўлайлик яратиш ва масофавий хизматлар қўламини кенгайтириш мақсадида банкимиз томонидан "Asaka mobile" мобил иловаси жорий қилинган. Ушбу илова орқали картадан картага пул ўтказиш, онлайн омонат очиш, онлайн конверсия амалиётини ўтказиш, кредитларни сўндириш, коммунал, бюджет, солиқ, интернет ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни ўтказиш имконияти мавжуд.

Республикамизда туризмин ривожлантириш ва туристларга қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида "Асака" банк тижорат банклар ўртасида биринчилардан бўлиб "Master Card", "Union Pay" ва "UzCard" тўлов тизимларига банкомат ёки терминалда хизмат кўрсатиш амалиётини жорий қилди. Банкоматлар "HUMO" ҳамда "VISA" карталарига хизмат кўрсатади.

Наргиза БОБОМУРОВА,
"Hurriyat" мухбири.

► Таълим даргоҳларида

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан юртимизда таълим соҳасидаги муҳим ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Айниқса, олий таълимда олиб борилаётган тўв ислохотлар яқин йиллар ичида ўз самарасини кўрсатишини Чирчиқ давлат педагогика институти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Юксак тамал тоши

Чунки, юртимизнинг энг кенжа олий ўқув юртиларидан бири саналган бу институт мана, уч йилдирки, ёшларни ўз бағрига қабул қилиб, уларга мустақиллик гоилари, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий аъналарига содиқлик руҳини чу-

республикамизда юқори поғоналарга олиб чиқишмоқда.

2019-2020 ўқув йили учун республика Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари" танловида "Тарих ва тиллар"

юртида таълим ва тарбия ишларининг юксак даражада олиб борилаётганидан далолат беради. Бундай ютуқларни қўлга киритишда институт ректори Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Ғофиржон Мухамедов ҳамда илм даргоҳи профессор-ўқитувчилар илмий жамоасининг муносиб ўрни бор.

Куни кеча илм ўчоғида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни ҳамда "Талабалар бағишлов" маданий-маърифий тадбири бўлиб ўтди. Чирчиқ шаҳридаги муҳташам "Кимёгарлар" саройида ўтган бу тадбирда институт илмий жамоаси, меҳмонлар ва талаба-ёшлар қатнашиб, ўқув даргоҳининг илмий ва маърифий ҳаёти фурсатида сўз юритишди.

Босиб ўтилган қисқа фурсат ичида институт ахли республикамизнинг нуфузли олий ўқув юртилари қаторига қўшилиши билан бирга замонавий ўқув биноларига эга бўлди, айна пайтда бир қатор қўшимча биноларда иш қизғин кетмоқда. Айниқса, талабаларга қўшимча турар-жойларини куриш, турли тадбирларни уюштириш ва зарур инфратузилмаларни барпо этиш учун курилиш ва таъмирлаш ишлари пудратчи корхоналар томонидан изчиллик билан олиб боришмоқда.



қур сингдириб келаётган ибратли маънавият ўчоқларидандир. Институтнинг академик, профессор-ўқитувчилар жамоаси талаба-ёшларнинг пухта билим олишлари учун маърифий ва тарбиявий ишларни юксак технологиялар асосида олиб боришга эътибор қилмоқда.

факультети 3- босқич талабаси Раъно Файратова илк бор қатнашиб, Навоий номидаги давлат стипендиясини, аниқ фанлар факультетининг математика ўқитиш методикаси йўналиши талабаси Хурсаной Мўминова эса Ислам Каримов номидаги давлат стипендиясини қўлга киритди.

Институтда таълим олаётган талаба-ёшлар эса пухта билим эгаллашиб, қисқа фурсатлар ичида олий таълим даргоҳини

Кисқа фурсат ичида институтнинг билимли ёшлари бундай нуфузли танловларда совриндор бўлишлари олий ўқув



Байрам муносабати билан профессор ва ўқитувчилар олийгоҳ раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди. Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус доирасида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашган рус тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси Эльянора Сергеева ташаккурнома билан тақдирланди.

"Таълим инноватори" номинацияси бўйича эса, институтнинг Ахборот-ресурс маркази, музыка ва дефектология, биология, математика ва хорижий тиллар кафедрасининг фан номзодлари ҳамда катта ўқитувчиларининг хизматлари алоҳида эътироф этилди.

Бунёдкорлик ишларини амалга оширишдаги фаоллиги ва ташаббускорлиги учун Ой-

бек Ортиқов "Йил бунёдкори" номинацияси бўйича тақдирланди.

2018 – 2019 ўқув йилида илмий тадқиқот ишлари бўйича самарали меҳнат қилган бир гуруҳ тадқиқотчи ва докторантлар ҳам тақдирланди. Улар орасида "Энг яхши илмий мақола", "Энг фаол халқаро конференция иштирокчиси" каби номинацияларнинг қолиблари бор.

Тадбирда сўз олган устоз-ўқитувчилар, бу йил талабаларга қабул қилинган ёшларнинг ота-оналари томонидан эътироф этилганидек, Чирчиқ давлат педагогика институтида бу йил ёшларнинг жамиятимизга етук педагогик мутахассислар бўлиб етишишлари йўлида юксак тамал тоши қўйилмоқда.

Ҳ.КОДИРОВ,
Суратларда:
тадбирдан лавҳалар.

► Мулоҳаза

Дунёнинг ривожланган давлатлари чўнтагидан "тушиб қолган" коррупцияни ривожланиш сари илдам қадам ташлаётганимизда айрим амалдорлар топиб олишмади-микин...

"ЎРГИМЧАК ИНИ"

ёки коррупциядан жамиятимиз қачон қутулади?

Коррупционер, менинг назаримда, пора олувчи эмас, балки пул топишнинг энг нозик йўллари учун сезгирлик билан ихтиро қилувчидир. Унинг ихтироси, наинки оддий одамларни, ҳатто профессионал экспертларни ҳам чалғитаяпти. Гарчи, уларнинг ҳаракати соғлом жамиятни издан чиқариш, амалдаги одилона сиёсатга путур етказиш, алаоқибат тизимнинг издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлса-да, айрим ҳолларда жазодан қутулиб қолишаяпти.

Тахририятимизга ариза билан мурожаат қилган Фарғона вилояти Бағдод туманидаги Қўштегини қишлоғида яшовчи Исоқжон Олимовга туман ҳокимининг 2011 йил 3 июндаги 227-сонли қарори билан эскирган электр асбобларини тўзатиш устaxonаси очишига ер ажратилиб, фаолиятига рухсат берилди. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилган, тадбиркор устачилик фаолиятини юрита бошлади. 2017 йилга келиб атрофдаги ер майдонлари қимларгадир уй-жой куриш учун берилганда, улар эски қатнов йўлини ёпишди, бошқа тарафдан янги йўл очилди, натижада тадбиркорнинг устaxonасига кириб-чиқиш йўли бекилиб қолади.



Бир қараганда оддий ҳолатдек туйилади, ammo оила бюджетини таъминлаб турган тадбиркорнинг бозори синди, мана, икки йилдирки, ўз ҳақини ажратиб ололмади овера. — Арз қилмаган жойим қолмади. Бош прокуратурага, Олий судга, вилоят ҳокимига ва бошқа кўп жойга ёрдам сўраб хат жўнатдим, бари туман ҳокимиятига қайтиб келди. Туман мутасаддилари эса менга ёзган жавоб хатида "бажарамиз", дейишди, амалда бажаришмади. Балки юқорига "бажарилди", деб ҳисобот беришгаётгандир... Ёшим етмишга қараб бораяпти, шу устaxonани юритиб рўзгор тебратиб турувдик, бошқа қасбимиз йўқ, сизлардан мадад кутиб келдик, — дея гап бошлади тадбиркор Исоқжон Олимов. — Мендан умидвормиким ё деб ўйлаб қолман. Эски-туски электр буюмларни тўзатаман, ўзингиз биласиз, янгисини сотиб ололмаганлар эҳсисини тўзаттиргани олиб келишди. Уларнинг берган чой-чақа пулига рози бўлиб ишлайман. Нимага умидвор бўлади, билмасам...

Халқимизда: "Еган оғиз уялар", деган нақл бор. Туман ҳокимияти мутасаддилари нега бир нуруний одамнинг оғирини енгил қилмаяпти?..

Ахир, водийдан Тошкентга, айниқса, етмишчи қоралаган одамга, ҳадеб келиб-кетишнинг ўзи бўлмайди. Вилоят ёки туман раҳбарияти савоб учун ҳам муаммони ҳал этса, асакаси кетармиди?.. Наҳотки, одамларда инсонийлик, меҳр-оқибат, динимизда айтилганидек, бир-бирига кўмак кўрсатиш туйғулари сўниб бораётган бўлса...

Президентимиз томонидан халқ манфаатини кўлаб, уларга тегишли мулкни талон-тарож қилишнинг олдини олиш мақсадида 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Қонунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ва манфаатлар тўқнашувига доир тушунчаларга таъриф

берилди. Шунингдек, коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, дейилди.

Ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари қонунда белгиланган тартибда ишни олиб бормагани, аҳолига кўпол муомалада бўлаётгани ҳам коррупциянинг бир кўриниши эмасми?.. Шу ўринда келинг, "коррупция" атамасига тўхталсак, бу сўз лотин тилидаги "corruptio" сўзидан олинган бўлиб, "бузиш, сотиб олиш" маъносини беради. Унинг грамматик бир илдизли бошқа маъноси "коррозия", яъни "чириш" ёки "занглаш" деганидир. Демак, унинг ижтимоий кўриниши "ҳокимиятни бузиш, чиритиш учун сотиб олиш", деган маънони аналатади.

Халқаро миқёсда ўтказилган Европа Кенгаши гуруҳларининг 1-сессияси (1995 йил 22-24 февраль, Страсбург)даги йиғинда "Коррупция — пора олиш (ўзига оғдириш), давлат ёки хусусий соҳада фаолият юритадиган шахснинг ўз мансаб вазифасидан фойдаланиб, мажбуриятларини бажармаслик, ўзи ёки ўзга шахс манфаати учун ҳар қандай шаклдаги афзалликка эга бўлиш мақсадида ифодаланган хатти-ҳаракат", дея баҳо берилганди.

Маълум бўладики, коррупция бутунжамоа ҳамжамиятининг умумий муаммосига айланиб улгурган. Чунки "бузиш, сотиб олиш, занглаш" ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади.

Шу кунларда ҳар бир онгли инсонни бир савол ўйлантиряпти: "Тағли-туғли лавозимга раҳбар этиб тайинланган шахс, етарли шароитга эга бўлса, унга нима этишмайди? Ахир, ҳеч ким унинг зиммасига: "Бутун шаҳар аҳолиси сенинг елканда, раҳбар бўлдингми, энди боқасан", деб юк юклаган-ку"... Аслида, юксак маънавиятли, мустаҳкам иродали инсон коррупцияга яқин юрмайди!

"Жиноятнинг ёпиқ ва энг қабиҳ тури бор, бу — коррупция ва пора-хўрлик. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин. Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмалар-

Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

га мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир", деган эди Президент Шавкат Мирзиёев.

Республикамизда коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланган бўлиб, амалиётга татбиқ этилди. Ташкил қилинган комиссия таркибига Бош прокурор бошлиқ, маҳаллалараро комиссияларга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокурорлари раҳбарлик қилмоқда.

Аmmo нега натижалар ижобий эмас?

Коррупция ўргимчак инига ўхшайди, унинг учлари мустаҳкам устунга болганган бўлса керакки, кейинги ўтган даврда ҳуқуқ тартибот органларида тез-тез кадр алмашиши ҳолатлари кўзга ташланапти. Бундай дейишимизга сабаб, ахир, эгали жойни эгасидан рухсатсиз ўзгага сотиши шунчаки хайрия деб бўлмаслигини мактаб ўқувчиси ҳам билади. Яна бир мисол, давлатимиз томонидан мўътабар ва мунис оналаримиз юксак эъзоз топаётгани ҳеч кимга сир эмас, ammo шу кунларда ижтимоий тармоқларда бир гуруҳ онахонларнинг: "Биз фақат Президентимизга арзимизни айтаемиз. Ҳокимлар ваъда қилади, бажармайди. Уйимиз эски бўлса ҳам яшаб туришимиз, бузишга бузди, шу кунгача зарар қолганмади. Уй-жойимиз ўрнига қурилган кўп қаватли уйдан беришди-ю, тагин алдашди, уй нархи бозор баҳосида, яна ўз ҳисобимиздан кредитга беришди. Бузилган уйимизнинг пулини эса тўлашмади", сингари гаплари туширилган видео намойиш этилди. Буғунга келиб, бузиш-қуришлар сабаб одамлар яшаб турган уй-жойини ҳам ўзиники эканига шубҳалана бошлашди. Ҳат, тан олиш керак, биз улкан ҳайратлар ичида яшай бошладик...

Агар фақат Тошкент ва марказлашган шаҳарлардагина интернет бор десак янгилашимиз, мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам интернет кириб бурганини унутмаслик керак. Аҳолининг барча қатлами содир бўлаётган воқеа ёки ҳодисалардан санокли дақиқаларда хабардор бўлишмоқда. Шундай экан, бор нарсани бор деб айтиш, ҳар қандай муаммони ўз вақтида ҳал этиш ўринлидир.

Қолаверса, одамлар Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги бузиш-қуриш воқеаларини ҳали унутгани йўқ. Эндилда Президентимизнинг қарори билан одамларни рози қилиш учун жойлардаги давлат миқёсидagi режаларни амалга оширишда йўл-қурилиш ишларига тўсик бўладиган даврда ҳуқуқ тартибот органларини, одамлар яшаб келаётган уй-жойларни бузиш, фақат Бош вазирнинг рухсати билан амалга ошириладиган бўлди. Шунингдек, қўрилган зарарни зудлик билан қоплаш назарда тутилди.

Шунга қарамай, баъзи жойларда уй-жойи бузилган одамларнинг кўрган зарари ҳалигача қопланмагани, айрим мутасаддиларнинг амалдаги қонунчиликка риоя этмаётганини кўрсатади. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш, турмуш фаровонлигига эришиш йўлида қилинган савий-ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини бериши керак.

Мамлакатимиз аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг турмуш барқарорлигини таъминлаш, энг муҳими, азалий давлатчилик асосларининг мустаҳкам устунларини ташкил ва ички ҳавфдан асраш учун ҳам коррупцияни тўғатишда қонун устуворлигини таъминлаш йўлида яқдлик билан ҳаракат қилиш лозимлигини давр тақозо этмоқда.

Юсуф ЖўРАЕВ.

САЙЛОВЛАР:

ЯНГИ Ўзбекистоннинг имкониятлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Мирзо Улуғбек АБДУСАЛОМОВ билан суҳбат

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш — моҳиятан жуда кўп йўналишли иш. Бу ишни тизимли ва самарали амалга ошириш усуллари топиш ва йўлга қўйиш мақсадида, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги мунтазам равишда такомиллаштириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йилнинг 25 июнь кўни Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини амалиётга жорий этишга оид қонуннинг имзоланиши мамлакатимиз миллий сайлов тизимидаги янги даврни бошлаб берди.

Жорий сайловларнинг аввалгилардан энг муҳим фарқи жиҳатларидан бири ҳам шунда — сайловларнинг илк бор янги Сайлов кодекси асосида ўтказилишида.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашим керакки, сайлов қонунчилиги бўйича экспертлар, жумладан, хорижий ва халқаро экспертлар мамлакатимизнинг Сайлов кодексидан фойдаланиш ва замонавий ўзгаришлар жой олганини кенг эътироф этмоқда. Уларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг Сайлов кодекси сайловчилар учун ҳам, сайлов ташкилотчилари учун ҳам кўп қўл янги имконият ва қўлайликлар яратди.

Кодексдан сайловларни умум-этироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очик-ошкора ва шаффоф ўтказишга хизмат қиладиган ўттиздан ортиқ янги нормалар ва қоидалар жой олган. Амалда бўлган кўп қўл чекловлар чиқариб ташланган.

Шу боис сайлов қонунчилигидаги бу янги нормалар ва қоидаларни жойларда сайловларни ўтказишда бош-қош бўладиган ташкилотчилар, энг аввало, округ ва участка сайлов комиссиялари раҳбарлари ва аъзолари, сайловчиларга кенг тушунтириш лозим.

Яна бир муҳим янгилик — "Бир сайловчи — битта овозга эга" тамойилини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистоннинг миллий сайлов тизимида Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилмоқда. Сайлов органлари бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари ҳам замон талаблари даражасида такомиллаштирилмоқда.

Сайлов кодекси қабул қилиниши муносабати билан Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Дастурда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар қадам-бақадам, кунма-кун белгилаб чиқилди ва унинг ижросига ҳар қачонгидан эрта — июнь ойиданоқ киришилди. Авваллари бу ишлар сайлов кампанияси бошланганидан кейин бошланар эди.

Барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзоларига номзодларнинг сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга оид билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган семинар-тренинглари оdatдагидан уч ой аввал — 3 августдан бошланди.

Таъкидлашим лозимки, ўқитишнинг юқоридан қуйига қараб



Анджон шаҳридаги вилоят Ёшлар марказида жорий йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказилган сайловларга тайёргарлик доирасида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ЎЗА ФОТОСИ.

кенгайиб, такомиллашиб борадиган кўп босқичли бу усули ўзининг юксак самараларини бермоқда. Якунига етган икки босқичда сайлов комиссияларининг 51 мингга яқин раис, раис ўринбосари ва котибалигига номзодлар ўқитилди. 3 октябрдан семинар-тренинглари учинчи босқичи бошланди.

— Дарвоқе, ўтган ҳафта журналистлар учун ҳам Тошкентда шундай семинар-тренинг ўтказилди. Унда "Hurriyat" газетасининг вакили ҳам иштирок этди. Икки кун давом этган машғулотларда сайлов қонунчилиги бўйича кўзга кўринган олимлар ва экспертларнинг маърузалари тингланди. Қизиқarli ва жуда фойдали бахосмозаралар бўлди.

— Журналистлардан бундай эътирофларни эшитиш бизга мамнуният бағишлайди, албатта. Бу йилги сайловларда 16 мингдан зиёд сайлов округлари ва сайлов участкалари тузилди. Семинар-тренинглари аввалида 70 нафар республика тренерлари ва худудларда 748 нафар "туман тренерлари" гуруҳи шакллантирилди. Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича семинар-тренингларида жами 170 минг нафарга яқин сайлов комиссиялари аъзолари ўз билими ва кўникмаларини оширади.

Машғулотларни мамлакатимизнинг сайлов қонунчилиги бўйича таниқли олимлари, экспертлари ва амалиётчилари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг етакчи мутахассислари олиб бормоқда.

— Сайлов кодексига биноан кимлар депутат бўла олади-ю, кимлар бундай шарафли ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятига эга эмас? Депутатликка номзодларни кимлар ва қандай тартибда кўрсатиши мумкин?

— Бугун кўпчиликини қизиқтираётган бундай саволларга ишончли жавоб топиш учун Сайлов кодексини варақлашдан аввал, бизнинг барча фуқаролик ҳақ-ҳуқуқларимиз, мажбуриятларимиз ва бурчларимиз ўз ифодасини топган мўтабар ҳужжат — мамлакатимиз Конституциясига мувожаат қилишимиз тўғри бўлади.

Бош Қомусимизнинг 117-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади" деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Бошқача айтганда, бўлажак сайловларда овоз бериб, ўз хоҳиш иродамизни эркин билдириш — ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Сайлов кодексининг 67-моддасида қайд этилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборатдир. Парламентимизнинг қуйи палатаси депутатлари худудий бир мақдотли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланади. Яъни, Кодекснинг 37-моддасида қайд этилганидек, Қонунчилик палатаси депутатлигига ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга.

Бу йилги сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинганидан кейин мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ана шундай бешта сиёсий партия — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партиясининг ваколатли вакиллари Марказий сайлов комиссияси томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олиниб, уларга сайловчиларнинг имзоларини тўплаши учун тегишли имзо варақаларининг бланкалари топширилди.

Сайлов кодексига асосан, энди ҳар бир сиёсий партия ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камиди 40 минг сайловчининг имзосини тўплаши зарур. Шундагина сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин бўлади.

Айни кунларда имзо варақалари берилган барча сиёсий партиялар жойларда сайловчилар имзосини йиғишга киришган.

— Сиёсий партияларнинг фаоллари имзоларни аввалдан "гарамлаб қўйишган" бўлса-чи? Ўтаверадими?

— Имзоларни олдиндан "гарамлаб қўйиш"нинг ҳеч иложи йўқ. Чунки, Кодексда имзоларни тўплаш тартиби батафсил баён этилган. "Сиёсий партия ўзининг ваколатли вакили рўйхатга олинганлик гувоҳномасини олганидан кейингина сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди". (38-модда).

Бу — биринчидан. Иккинчидан, таъкидланганидек, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингандан кейингина уларга имзо варақаларининг бланкалари топширилади.

Сиёсий партиялар тўплаган сайловчилар имзоларининг "ўтиш-ўтмаслиги"га келсак, Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширувчи Экспертлар гуруҳи тузади. Экспертлар гуруҳи таркибига ички ишлар, адлия органларининг хатшунослик бўйича мутахассислари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этилади. Имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этади.

— Сиз, депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга, дедингиз. Демак, фуқаро депутатлик мандати учун курашга кириши учун аввал бирор сиёсий партиянинг "этагидан тутиш" шарт. Талабнинг бундай қўйилиши оқибатида бирорта ҳам фирқага аъзо бўлмаганларнинг ҳуқуқлари чекланиб қолмайди-ми?

— Асло! Сайлов кодексининг 70- ва 91-моддаларидан бу саволингизга аниқ-равшан жавоб топшингиз мумкин. Уларда сиёсий партиялар ўз партияси аъзоларидан ташқари, партиясизларни ҳам депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатли экани таъкидланган.

Шу ўринда ушбу моддаларда мустаҳкамлаб қўйилган яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу — мамлакатимиз-

да давлат ҳокимияти вакиллик органларига хотин-қизларнинг сайланиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўз номзодларини кўрсатганда, мазкур нормага қатъий риоя этишлари зарур. Зеро, аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камиди ўттиз фоизини ташкил этиши керак.

— Шундай қилиб, кимлар депутатликдан умид қилмаслиги мумкин?

— Сайлов кодексига биноан, содир этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар; сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси худудидида муқим яшамаган фуқаролар; Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона кўмитасининг, бошқа ҳарбий-лаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари; диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.

— Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга доир тадбирларни ёритишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилмоқда?

— Юқоридида айтганимдек, сайловларнинг очиклик, ошкоралик ва транспарентлик каби умумэтироф этилган демократик тамойилларга мувофиқ ўтказилишида оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида мазкур масалага доим алоҳида эътибор қаратиб келади. Улар аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришда фаол ёрдам бермоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фуқароларини ишончли амалга оширишида, хоҳиш-иродасини эркин билдиришида, сайлов комиссиялари фаолияти ошқоралигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди.

Марказий сайлов комиссияси, шу мақсадда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, "Дунё" ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Uzreport" ахборот агентлиги билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловларига тайёргарликнинг бориши ва ўтказилишини ёритиш бўйича икки томонлама битимлар имзолади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси оид тафсилотларни аҳолига турли тилларда етказишда муҳим ўрин тутадиган оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ҳам самарали йўлга қўйилган. Хусусан, мамлакатимизда чоп этиладиган қозоқ тилидаги "Нурли жол", тожик тилидаги "Овози тожик", корей тилидаги "Корё синмун" каби газеталарнинг бош муҳаррирлари билан сайлов жараёнининг кенг ёритиш бўйича келишувга эришилди.

Келишувларни амалга ошириш доирасида барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятини изчил ёритиб бориш, депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун уларнинг сайловолди дастурлари қоидалари, мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларига оид мустақил нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари, тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратиш йўли билан кенг ва тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Булардан ташқари, сайловларни ёритиб боришга бел боғла-

ган бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, хусусан, Ўзбекистонда расман фаолият олиб бораётган хорижий журналистлар, шунингдек, сайлов кампаниясини ёритиш мақсадида чет эллардан қисқа муддатда ташриф буюрадиган журналистлар ҳам аккредитациядан ўтказилади.

— Сайлов кунини фуқароларнинг овоз бериш жараёнининг натижалари Халқаро матбуот марказида тезкорлик билан маълум қилиб бориладими? Марказий сайлов комиссияси ўз ишини бундай тезкорлик билан ташкил этиши учун зарур ахборот-коммуникация технологияларига эгами?

— Ҳа, албатта. Сўхбатимизнинг аввалида Марказий сайлов комиссияси ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури асосида олиб бораётгани ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Ана шу дастурга биноан 2019 йил 22 декабрь кунини Халқаро матбуот марказида журналистлар бутун республикада овоз бериш жараёнидан он-лайн режимида хабардор бўлиб бориши мумкин. Марказий сайлов комиссияси томонидан бутун кун мобайнида вақти-вақти билан уюштирилаётган брифинг ва матбуот анжуманларида сайлов жараёни аниқ маълумотлар асосида шарҳлаб борилади.

— Сайловларни бевосита кузатиб боришда халқаро кузатувчиларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Бу йилги сайловларда нечта давлатдан ва қайси халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиши кутилмоқда?

— Бу саволга илгари ҳам жавоб берган эдим. Башарти, мазкур масала кўпчиликини қизиқтирган экан, такрорласак фойдадан холи бўлмайди.

Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни, жумладан, сайловчиларнинг сайловда овоз бериш жараёнини юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, БМТ, Европа Кенгаши, ЕХХТ, Бутунжапон сайлов органлари ассоциацияси, ШХТ, МДХ каби кўп қўл халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг вакиллари, журналистлар, жумладан, хорижий журналистлар — минглаб одамлар бевосита кузатиб боради.

Халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари ҳақида гап кетар экан, бир рақамни яна бир бор айтиб ўтишимиз зарур. Аввалги парламент сайловларида ЕХХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси чекланган миссиясининг ўттизга яқин кузатувчиси иштирок этган бўлса, бу йил ўтажак сайловларимизни Бюронинг уч юзга яқин вакили кузатиб бориши кутилмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, миссия асосий гуруҳини, шунингдек, 30 нафар узоқ муддатли ва 250 нафар қисқа муддатли кузатувчини ўз ичига олади. Узоқ муддатли кузатувчиларнинг функциясига сайлов жараёнининг турли босқичларини худудларда кузатиш қирса, қисқа муддатли кузатувчилар сайлов кунини бириктирилган туманларда овоз бериши кузатади.

Мамлакатимизда 2019 йил 22 декабрь кунини бўладиган сайловлар умумэтироф этилган халқаро сайлов принциплари — универсаллик, тенглик, эркинлик, қонунийлик, адолатлилик, овоз беришнинг яширинлиги, очиклик ва ҳисобдорлик асосида ўтказилади. Ватанимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришга, дунёнинг энг ривожланган, демократик давлатлари сафидан мустаҳкам жой олишига хизмат қилади.

— Самимий суҳбатингиз учун Сизга катта раҳмат!

Суҳбатни А.ПАРДАЕВ уюштирди.

► Публицист ўйлари

Олимларнинг фикрига кўра, замонавий журналистиканинг ривожланиши ўнбешинчи асрда Германиянинг Майнц шаҳрида босма машинанинг ихтиро қилиниши билан боғлиқ. Бўлса бордир. Аммо журналистиканинг дастлабки вазифаси хабар ва маълумот бериш бўлганини ҳисобга олсак, унинг умри ёзувнинг кашф этилиши билан тенг.

ҚОБИҚДАГИ АКС-САДО

Бугунга келиб бу фаолият тури инсонларнинг ўй-фикрлари, қизиқишларини аниқлаб берувчи ўзига хос барометр вазифасини ҳам бажаришини қандай ишлашни бизнинг шароитимизда синаб кўриш қийин. Чунки чоп этилаётган газеталар ҳам, телекўрсатув ҳамда ижтимоий тармоқлар бир-бирларидан кам фарқ қилади. Ҳа, тўғри бир пайтлар, айтилиб, ўша собиқ Иттифоқнинг сўнгги йилларида газеталар, телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар жуда жонланиб кетди. Ўша йиллари республикамизнинг «Фан ва турмуш» журнали адади салкам бир неча юз минг нусхага чиққани ҳам бор гап. «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Ёшлар овози»)ни айтмайсизми, қандайм ўқушли газета эди-я. Ҳозир-чи, айрим газеталарнинг бор-йўқлигини биров билиб, биров билмайди.

Яқинда «Муштум» журналининг Бош муҳаррири Носиржон Тошматов билан бир йигинда учрашиб қолдик. — Қалай, ижоднинг гаштини суриб юрибсизми? — дейман қўлини олиб.

— Қалай эмас, олтин, — дейди Носиржон. — Бир-иккита масалалар бор, шуларни ҳал этиб олсак, ишимиз юришиб кетади. Масалан, обуна иши. Бизнинг эса обуна шакллантирадиган кучли «ричаг»ларимиз йўқ. «Ричаг» бу — халққа манзур чиқишлар эмасми? — дейман уни баҳсга чорлагандек бўлиб. — Э, ака дейди у қулиб, биласиз-ку, бугунга келиб нашрлар учун обуна қилиш, матбуот нашрларини тарқатиш ва савдо тизими оғзига сув томизиш ҳолатига тушиб қолган. Аслида, жуда кўп журналхонларнинг ўз манзилларига обуна бўлишмаётганининг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Обуна бўлсангиз ҳам газета-журнал уйингизга етказиб берилмайди. Чунки минглаб алоқа бўлими ходимлари ўрни қисқариб кетган. Уйга етказиб берилмагандан кейин нима қилдим, ундан кўра «киоск»дан оламан, дейди-да ўша обуначи. Мана шу жойда эса яна бир муаммо чиқади: вилоятлардаги жуда кўп жойларда ўша «киоск»нинг ўзи йўқ... Шундан кейин кунингиз... Баъзи кинофильмларда кўргансиз: газетанинг янги сонини осмонга кўтарганларича бақириб-чақирган болакайлар харидор қидиришади. Биз ҳам бугун журналининг асосий қисмини ана шу тахлитда сотаямиш. Булар ҳам майли, бир кун келиб изига тушиб кетар. Босма оммавий ахборот воситаларининг фаолияти билан боғлиқ одамнинг руҳини туширадигин бошқа бир жиҳат борки, унга давлат томонидан эътибор берилмаса, «Муштум»нинг, шунингдек, бошқа нашрларнинг ҳам боя сиз айтган «мушт»лари зарбасиз бўлиб қолаверади. Бу — чоп этилаётган танқидий мақолаларга нисбатан муносабат.

Журналининг деярли ҳар бир сонидан тилга олинган на ҳокимиятлар, на судлар, на прокуратура ва на бошқа кўплаб ташкилотлар, аввало, тилга

олинган масалага нисбатан лом-мим дейишмайди, лом дейишса ҳам мимни бузиб айтишади: жавобгарликни ҳис этишмайди. Бундай боришда мустақил босма нашрларнинг халқ ичидаги обрўси ўша халқнинг ўзи айтган «...карвон эса ўтаверади» каби аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Дарвоқе, мавзудан бироз чалғидик шекилли. Матбуотнинг жамият ҳаётидаги барометрлик вазифаси ҳақида гапирётган эдик. Бугунги газеталаримиз ўзларининг «сегмент»ларига — ўқувчиларига эгами? Ўз-ўзимга ана шу саволни берар эканман, ҳаёлимдан бир пайтлар Буюк Британиядаги «Би-би-си» телерадиокомпаниясига малака ошириш учун борганимда кўрган ва тинглаганларим ёдимга тушади. Масалан, Лондонда «Сан» («Куёш») деган газета чоп этилади. Газета олди-қочди воқеаларни ёзади. Асосан актрисалар, модельерлар, актёрларнинг ҳаёти, уларнинг қизиқишлари, ҳою ҳаваслари, ким-ким билан яқин муносабатда-ю, кимнинг жазмани ташлаб кетгани ҳақида. Газетанинг кунлик адади икки мингичи йиллар бошида тўрт миллион нусхани ташкил этарди. 2016 йил санасига кўра бу кўрсаткич 1 миллион 611 минг 464 тага етган. Демак, босма нашрлар инқирози нафақат бизда, шунингдек, фарб давлатларида ҳам юз бермоқда. Шунга қарамай, бугун ҳам ўша ўлкаларда эрталаблари метрога чиксангиз ўриндиқлар устида, вагонларнинг ойна четларида турли газеталарни, энг кўпи эса, «Сан» газетасини кўриш мумкин. Йўловчилар поездга ўтираётган газеталарни варақлашади. Ўқигани ўқийди, ўқимагани кўз югуртириб, ўтирган жойига ташлаб кетаверади. Бошқача айтганда, камҳарж талаба метрога тушиш учун пул топса бўлди. Манзилига етгунча бугунги янгиликлардан бемалол хабардор бўлиши мумкин. Бизда ҳам метро бор. Бизда ҳам газеталар бор. Аммо Англиядаги каби газетхон йўқ. Бизнинг метроларимиздаги йўловчиларнинг кўнралида газета ёки журналнинг эмас, оғир-оғир юк халталарни кўрасиз. Уларнинг кўзлари ким нима кийгани-ю, халтасида нима ортомқлаб бораётганида бўлади...

Умуман, Англияда ўнлаб газета-журналлар чоп этилади. Улар орасида бутун жаҳонга машҳур газеталар борки, бу нашрлар барчаси хусусий ёки акционер гуруҳларга қарайди. «Таймс» ва «Гардиан» газеталари либерал газеталар ҳисобланиб, юксак савиядаги ахборот воситаси саналади. «Дели телеграф» ҳам оммавий газета бўлиб, кунлик адади ўша икки мингичи йилларда 1,041 минг нусхани ташкил этарди. 2018 йил маълумотига кўра, мазкур газетанинг бир кунлик адади 363 минг 183 тага тушиб қолган. «Сан», «Мирор», «Дейли Мейл» каби «олди-қочди» газеталарнинг нуфузи ҳам йилдан-йилга пайсасиб бормоқда. Аммо бу дегани жамиятда интеллектуал фикр, воқеалардан кўра олди-қочди гапларга, бировларнинг шахсий ишла-



рига аралашиб, оилавий сирларини билишга қизиқиш камайди дегани эмас. Агар бир пайтлар бу каби барометр ролин юқоридаги каби газеталар бажарган бўлса, бугун улар ўрнини телевидение ва ижтимоий тармоқлар эгаллади деса бўлади. Буни «Би-би-си»нинг бир йиллик бюджети кейинги йилга 2 миллиард фунт-стерлингдан қарийб 5 миллиардга ўсганидан ҳам билса бўлади. Мазкур бюджет ҳар бир хонадон ёки ташкилотдаги теленуқта ҳисобдан йиғилади. Битта теленуқта 100 фунт-стерлинг (йигирма йил илгари) туради. Демак, телевидение харажатларини 20 миллион хонадон ва ташкилот тўлайди. Ўша 20 миллион хонадон пул тўлаётгани (яна олдиндан), демак, одамлар уни кўришарди.

Бу ҳақида «Гардиан» газетасига мақолалар ёзувчи, мустақил журналист Марсел Берлекс бизга шундай дегани ҳамон ёдимда: Малика оиласидаги воқеаларга қизиқиш, таниқли кишиларнинг шахсий ҳаётига аралашиб, уларнинг маошлари, таниш-билишлари, жазмалари ҳақида ёзиш муаммога айланиб қолди. Айниқса, малика Диана ўлимидан кейин. Журналистлар ана шундай нарсалар ҳақида кўпроқ ёзишни истайдилар. Чунки, буларнинг ҳаммаси аниқ. Шунга қарамай, журналист одамларнинг шахсий ҳаётига қай даражагача аралашиб мумкин, деган муаммо мавзуд, Масалан, Франциянинг собиқ президенти Миттеран қонуний никоҳида бўлмаган хотин билан яшган. Ундан қизи ҳам бўлган. Аммо бу ҳақида Франция матбуоти ўз вақтида лом-лим демаган. Бизда эса бундай эмас. Бизни ким бошқараётганини билишимиз керак. Давлат тепасига ҳар бир одамнинг ўтмиши ва бугунини жамоатчилик, албатта, билиши зарур. Нега? Чунки, турли «миш-мишлар»дан кўра, бор гапни газетанинг ўқиган маъқул. Зотан, англияликлар турли «миш-миш»ларга,

айниқса, эр-хотин ўртасида бўладиган сир-асрорларга жуда қизиқишади. Майли, булар ҳақида газеталар ёзсин, нима қипти? Ёлғон бўлса, суд олдида жавоб беради. Катта миқдорда тоvon тўлайди. «Сан» газетаси сиёсатчи Элтон Жоннинг баъзи бир ноинсоний хатти-харакатлари ҳақида ёзди. Ахборот нотўғрилиги туфайли газета 1 млн. фунт стерлинг миқдорда тоvon тўлади... Ёки шу газетанинг ўзи Диананинг жазмани ҳақидаги мақола учун 20 минг, суратнинг сохталиги учун 500 минг фунт-стерлинг тоvon тўлади».

Кўриниб турибдики, «Сан», «Мирор», «Дейли телеграф» каби ишқибоз газеталарнинг нуфузи кейинги йилга йилда тушиб кетганига Марсел Берлекс айтганидек, таниқли ки-

ши бўлиб» мақола ёзамиз, кўрсатув тайёрлаймиз. Биримиз айтмоқчи бўлган ҳақиқатни иккинчимиз инкор этамиз. Учинчимиз эса бу ҳақ сўзга юзини кўрмасданок бурда-бурда қилиб ташлаймиз. Ҳар биримизнинг муштдек юрагимиз ёнида калладек цензура — кўрқув яшайдик, у нафақат сиз билан мени, энг ачинарлиси, бутун бир жамиятни аста-секинлик билан фикрлашдан, ташаббусдан узоқлаштиради, маънан емириб боради... Дарвоқе, шу пайтгача биз цензуранинг йўқотганларимиз сирасига элбуртудан кўшиб қўйган эканмиз, ҳолбуки, у қалбимизда, юрагимизда ин қуриб яшамоқда.

Ўш, бизнинг газета ва журналларимизни бозорбоп маҳсулотга айлантириш учун нима қилиш керак? Бунинг учун аслида кўп нарса керак эмас. Шунчаки, бор гапни ёзишни ўрганишимиз зарур, холос. Аммо ана шу бор гапни ёзишни ўрганиш, ҳа, айнан ўрганиш биз учун жуда катта довон. Афсуски, бугун ёши қирқ билан 70 ўртасида бўлган журналистларимизнинг, агар улар орасида битта-иккита бўлмаса, аксариятимиз бор гапни ёзишга ўрганмаганмиз. Бунинг мисоли сифатида собиқ СССРда бўлиб ўтган қайта қуриш йилларини эслаш кифоя. Ўша йилларда жуда кўп республикаларнинг журналист ва ёзувчилари бир пайтлар ёзиб ташлаб қўйган роман, ҳикоя, шеър, публицистик мақолаларини бирин-кетин эълон қила бошладилар. Москвада нашр этилган «Новый мир», «Знамя», «Роман газета» каби журналлар, ўнлаб газеталар ёзувчи ва журналистларнинг «ёзув столи» учун ёзган асарларини чоп эта бошлашди.

Бизнинг матбуотимизда, наشريётларимизда чоп этиш учун қачонларди ёзилиб, тайизққа учраган ёки шунчаки турли сабабларга кўра нашр этилмай қолиб кетган бирор-бир жиддий асар ёки туркум мақолалар топилгани йўқ. Албатта, юқорида «бизнинг кўпчилигимиз рост гапни ёзишни ўрганмаганмиз» дегани «билмаймиш» дегани эмас. Бир қатор устоз ёзувчиларимиз, журналистларимиз ўз даврида бор гапни қойиллатиб ёзишди. Шунинг учун уларнинг кўплари қатагон қилинди, йиллаб қамоларда ётишди, олис юртларга бадарға этилди. Уларнинг барчалари бизнинг ҳақиқий тоғон ва йўқотганларимиздир. Мен уларнинг номларини келтириб ўтирмайман. Уларни ҳамма билди. Ушундай қатагонлар, ўшандай қама-қамалар қолганларнинг ҳам юрагини олиб қўйган. Шу боис рост гапни айтишни гарчи билсак-да, айтмаганмиз. Халқда «қолган ишга қор ёғди» деган гап бор. Шунга ўхшаб юрагимиздаги рост гаплар айтилмай қолиб кетаверди, қолиб кетаверди, уларнинг устига эса қанча-қанча қорлар ёғиб, излар босилиб кетди. Охири келиб эса қайси рост гапу, қай бири хушомад, қайсиниси ёлғон экани ҳам ажратолмай қолдик.

Юртимизда ҳуррият шамоллари эсганига ўттиз йилча бўляпти. Ўша шамолнинг дастлабки эпкинини ҳис қилган ўн яшар бола бугун қирчиллама ёшда. Ўша пайтда мактаб ўқувчиси бўлган бугун катта бир газетада, радио-телевидениеда муҳаррирдир, муаллимдир. Ундан каттароқлар эса улардан-да каттароқ лавозимларда, вазибаларда меҳнат қилишарди. Ахир, улар бугун етмишбой, саксонбой, эллиқбойлар кўрган тайизқларни кўришгани йўқ-ку! Мустақиллик учун қатагон бўлган ёзувчи-шоирлар, алломалар ҳақида фақат ўқиган, эшитишган. Аммо ҳақи-ҳануз биз истаган, биз хоҳлаган бор гап уларнинг оғзидан чиққанча йўқ.

Айтишгиз мумкин: сизнингиз нима ҳақида гапирилмай қолиб кетяпти? Қайси муаммолар журналистла-

римизнинг назаридан четда?

Умуман олганда, журналистларимиз тилга олмаётган соҳалар, ҳатто муаммолар ҳам йўқ ҳисоби. Ҳамма нарса ҳақида гапирилапти. Айтиш мумкинки, муҳокама ҳам этилмоқда. Аммо ана шу соҳалар, муаммолар хусусида бир хил гапирилади. Масалаларнинг моҳиятига чуқур кириб боришмайди. Энг асосийси, кўтарилаётган масалаларга нисбатан журналистларимизнинг муносабатлари, ўзига хос позициялари сезилмайди. Ўқитувчининг бахтиёрлиги ҳақида ёзилган мақола билан фермер муваффақиятлари ҳақидаги мақола бир хил услубда ёзилади. Сохта пафос, ўйлаб топилган жумлалар қалаштириб ташланади. Ўқиб чиқасизу ёдингизда ҳеч нарса қолмайди.

Ҳар хил фикр қачонки, у товуш чиқариб айтилсагина ҳар хил бўлади. Зотан, холис ва ҳақчил гапни ҳеч ким тўсиб тургани йўқ. Уни ўзимиз айтишдан истиҳоло қиламиз.

— Ўша бугун дунёга «Темир хоним» деб ном чиқарган Маргарет Тэтчернинг мамлакатни қайта қуриши учун бор-йўғи ўн йил керак бўлди, — дейди Жуля Монтен. — Ана шу вақт мобайнида давлат тасарруфидаги мулкнинг тенг ярми хусусий қўлларга ўтди. Бу тadbир натижасида Англия 30 миллиард фунт-стерлинг фойда кўрди. Миллионлаб акция эгалари пайдо бўлди. Америкалик публицист Элвин Тоффлер тасвирлаган «қурраи замин шитоб» билан ўзининг энг сўнгги ҳалокатли силкинишига яқинлаб бораётган» бир пайтда мамлакатни гуллаб-яшнашига олиб келган сабаблар нима эди? Сирасини айтганда, бу сабаблар унчалик ҳам янги сабаблар эмасди. Айтилик, улардан бири тadbиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Ёки яна бир сабаб, бу — давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашувини ўта камайтириш, хусусий мулкни кўпайтириш. Асосий сабаблардан яна бири ҳар ким ўз-ўзини моддий жиҳатдан таъминлаши шарт қилиб қўйилди. Давлат фақат ноғиронларга ёрдам бериши айтилди. Албатта, булардан ташқари ҳам сабаблар бўлган. Масалан, жамият учун зарар келтирадиган ҳар қандай иш ташлашлар қатъиян ман этилди. Кўриб турганингиздек, юқоридаги «сабаблар» мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётига «давлат қўли» билан жойлаштириладиган бўлса, улар ўзининг ихобий самарасини йўқотиши мумкин. Буни, бугун жуда кўплаб бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар тажрибасида кўриш мумкин. Бу «сабаб»лар, аввало, жамоатчилик, биринчи навбатда, ахборот воситалари ёрдамида ўзини ўзи эркин бошқариши лозим.

Шундай экан, Жуля Монтеннинг сўзлари одамни ўйлатади. Бу ҳаётда, қанча-қанча самимиятлар сўнар экан. Қанча-қанча меҳроқибатлар барҳам топади... Ана шу самимиятларнинг сўниб кетмаслиги, уларнинг аҳволидан кўпчиликни хабардор қилиб турувчи бир қатлам — бетараф қатлам бўлмоғи лозим. Бу қатлам дунё ва инсоният учун меҳнат қилсин. Бу қатламни зиёли халқи ташкил этса, журналист, журналистика ана шу қатламнинг қобиғи бўлсинки, жамиятдаги ҳар бир ҳодиса ана шу қобикқа урилиб акс-садо берсин.

Зеро, юртимизда кейинги уч йил ичида олиб борилаётган ишлар шундай дейишимизга асос бўла олади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев барча соҳаларда бўлган каби матбуот ва ОАВлари фаолиятига ҳам катта эътибор, куч берди. Бугунги янгиликлар, ўзгаришлар қалам аҳлидан ҳам ҳалоллик ва ҳолислик билан изланиш, ижод қилишни тақозо этмоқда.

Ёкубжон ХҲАМБЕРДИЕВ.

► Аҳвол

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими вилоятда чоп этилаётган газеталар муҳаррирлари, журналистлар, матбаа ҳамда босма нашрларни тарқатувчи ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида ташкил этган тadbирда асосан соҳага тааллуқли қатор муаммолар таҳлил этилди.

Сирдарёда тўртта туман газетаси НЕГА ЧОП ЭТИЛМАЯПТИ?

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Бойжигит Абдуллаевнинг сўзларига қараганда, ҳудудда давлат рўйхатидан

ўтган 21 та даврий нашрдан 4 таси — Боёвут, Сардоба, Мирзаобод ва Сайхунобод туманлари газеталари ўз фаолиятини тўхтатиб турибди.

Демак, каттагина жаҳонда аҳоли маҳаллий аҳамиятга молик хабарларни олишдан мосуво. «Биз китоб мутуола қилиш

билан баб-баравар газета ҳам ўқиймиз керак, — деди у. — Газета одамлар учун шунчаки минбар эмас, балки кўзгу ҳамдир. Бугунги кунда халқимиз орасида бир-бирига китоб совға қилиш урфга айланиб бораёттир. Қани энди, саҳий кишилар эҳтиёжманд катламларга ўзлари севган нашрларнинг обуна қиванцияларини тантанали равишда топширишни ҳам одатга айлантисалар...»

«Овози тожик» газеталарининг Сирдарё вилояти бўйича муҳбирлари Ахмадали Шерназаров, Тўхтамиш Боқий, «Сирдарё» ва «Гулистон» янгиликлари бош муҳаррирлари Умарқул Очилов, Фуқрат Тошматов, «Полиграф АиФ» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси директори Ришад Абиятов, «Сирдарё матбуот хизмати» МЧЖ бўлим мудири Камолиддин Хошимовлар чиқишларида вақтли нашрлар муассисларининг масъулиятини ошириш, газеталарнинг ҳар бир янги

сонини ўз вақтида муштарийларга етказиб бериш, вақтли нашрларда эълон қилинаётган танқидий чиқишларнинг таъсирчанлигини ошириш каби масалалар юзасидан фикр билдирдилар. Муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун эса вилоят ОАВ вакилларининг тез-тез вилоят ҳокими билан учрашувини ўтказиб туриш тақлифи ўртага ташланди.

«Полиграф АиФ» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Германиядан газета-журналларни рангли чоп этидиган замонавий босмахона қурушга қўл кўрди. Ийгилиш аҳли 2020 йилги обуна мавсумини рисоладагидек ўтказишда ҳамкорлик қилиш учун вилоят ҳамда туман-шаҳар ҳокимлари, кенг газетхонлар оmmasига Мурожаатнома билан чиқишга келишиб олди.

Мухаммадали АХМАД.

► **Ҳа-ёт!**

Ёшлиги қийинчиликда кечган раҳматли Мансур бобом бизни атрофига йиғиб, сўхбат қуришни, кўрган-кечирганларини сўзлаб беришни ёқтирарди. Бобомдан эшитганларим гўё эртақдек, сабаби, уларнинг ҳаётда бўлишини тасаввур қилиш мушкул, танада ҳис қилиш эса азобли эди. Қуйида ана шу “эртақ”лардан бири келтирилган.

ОНА МЕҲРИ

(Бобомнинг ҳикояси)

“Чамаси, ўшанда еттинчида ўқирдим. Урушдан кейинги йиллар. Айтгандай, кўшни қишлоқдаги мактаб бизга анча узоқ бўлгани учун, кўп вақтимиз йўлга кетарди. Отам оламдан ўтга, рўзгорнинг бор юмуши мен ва онамнинг гарданиди қолди. Далага чиқиб, онамга ёрдам берганим боис, ўқишга ҳар кун боролмасдим, бунинг учун “ортиқча вақт” йўқотолмасдим. Очиғи, бу менга, онамга ёқмас ҳам тақдирнинг аянчили синовида тобланишга мажбур эдик...”

...Бир куни ўқитувчимиз бир буюк ёзувчининг она ҳақидаги қизиқарли романини навбатма-навбат ўқиб келишимизни, агар асарни ким чироғли сўзлаб берса, ўша китобни ҳаёда қилишини айтди. Ўзимнинг битта ҳам китобим бўлмагани учун, бу имкониятни кўлдан чиқаргим келмасди. Икки ҳафта деганда ҳалиги китобни ўқиш навбати менга келди. Ҳаяжоннинг зўридан томоғимдан ҳеч нима ўтмайди, ҳатто аталани ҳам сув билан ютадигандекман. Кувончим узоққа чўзилмади. Укам қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Онамнинг ўрнига фақат ўзим далага чиқдим. Анча кун мактабга бормадим. Кундузи қўлимга китоб ололмасдим. Библи қолишса, бир кунлик насибдан айрилиб қолардим. Оиламиз учун эса бу катта йўқотиш бўларди. Даладан жуда кеч қайтардим. Онам пиширган таомини олдин тенг бўлган бўлса, энди укамнинг тез-

роқ оёққа туриши учун унинг “ҳиссаси”ни бироз оширарди. Чарчаб келганим, берган ушоқдек насибасига тўймаганим боис, онамнинг бу қилигидан жаҳлим чиқарди. Кейин ноилоҳ кўниқдим.

Ўзимни ухлаганга солиб, ярим тунда ичига керосин солинган тунги чироғни олиб, эски оғилхонага борардим-да, уни амаллаб ёқиб китоб ўқишга тушардим. Аввалига чарчоқдан эмас, очлигим боис ичимнинг гулдиршидан миям ҳеч нимани қабул қилмасди. Барибир ёш эдим-да, кўз олдимга синфдошларим айтган турли мазали таомлар келарди. Эслганимдан, ҳатто ҳиди димоғимга сезилиб, ташанардим. Шундай бўлса ҳам асарнинг ичига шўнғиб бошладим. Ҳақиқатда воқелиқлар очлигини, ҳамма-ҳаммасини унуттишга қодир даражада қизиқарли бўларди. Тонгга яқин яна уни яшириб, ўрнимга келиб оғизга мизғиб олардим.

Туртинчи кун оғилхонада отамнинг нимадир қақди. Хира ёруғликда нималигини билмай қолдим. Балки ари бўлгандир. Оғриқдан чунонам инградимки, аммо бақирмадим. Онам уйғониб қолишдан кўрқдим. Ердан чамалаб оғизга кум олдим-да, тупугим билан намлаб, оғриган жойимга сура бошладим. Бир кун онам шунча қилганларини кўрган эдим. Оғриқ тўхтамади. Қайтанга жароҳат жойи шишиб баттар бўлди. Ич-ичим-



дан йиғлайман, кўз ёшим тинмайди. Шу пайт оғилхонанинг эшиги очилиб, онам кириб келди. Кўрқув ва ғазаб аралаш “Мансур, сен шу ердасан, нима қилгансан ўзи?!” деб бақирди. Қўлимда китоб билан ёлғон гапиролмасдим. “Ўқияпман”, дедим китобга ишора қилиб. Шу пайт онам мени қўлига илинган ингичка чўп билан савалай кетди. “Юрагим қинидан чиқай деди-ку, ўлдирмоқчимисан? Ярим тунда сени тополмасам нима қилардим, шунга ўйламадингми? Сенга ҳам бир нима бўлса рўзгорга ким қарайди? Нега бехудага чироқнинг мойини исроф қилгансан? Тугаб қолса, нима қиламиз? Рўзгорни, укамнинг аҳолини кўриб турибсан-ку, яшшамагур. Менга ҳозир сени китоб ўқишинг эмас, дам олиб, эртага пул топиб келишинг муҳим, тушундингми?” Ҳар даққиди танамга бир қаттиқ зарба теғарди. Онамга “урманг”, деб ёлворардим. Бошқа бундай қилмаслигимни айттардим. Жонимга эмас, китобга ачинардим. Таёқ тегиб йиртилиб қолмаслиги учун бағримга босиб олгандим. Чунки у қайсидир синфдошимга насиб қилдиган катта бойлик, бебаҳо мулк эди.

Биринчи бор онамни танимадим, ҳатто уни ёмон кўриб қолдим. Ҳўрликим келди. Кўз ёшим бурнимдан келган сув аралаш юзимни жиққа хўл қилди. Сўнг онам мени қўйишдан тўхтади-да, бирдан қаттиқ кучоқлаб, йиғлай бошлади. “Нима қилиб қўйдим? Сенга, ўз боламга шунга раво кўрдимми? Тақдирнинг аччиқ аламини келиб-келиб сендан оламанми? Ширин жонинг олдида шу пилик мойи нима бўлибди менга? Ёш ҳолингга дала мени кечир!”, дея тинмай гапирар, ўз ишидан эзилиб йиғларди. Музлаб қолгандек бўлдим. Ҳеч нимани ҳис қилмасдим. Кейин онам жон аччиғида ўзини азоблай кетди. Қўлларини тўғри келган нарсага урди. Юзларини юлди. Бошларини муштлади. Ё, тавба, асарда ўқиганларим кўз олдимда бўлаётгандек, она образи китобдан чиқиб қаршимда тургандек эди. Ўзимга келиб, онамни маҳкам ушладим. “Ўзингизни урманг, юлманг, сизга бир нима бўлса, биз нима қиламиз”, деб бақирдим. Чироқнинг керосини тугади шекилли, атроф бир-

дан зим-зиё бўлди. Бир-биримизни кўрмай қолдик. Онам апил-тапил өзгича жуссаси билан “қоронғуда қоқилма, болам”, деб мени, 15 ёшли бола-ни кўярда қўймай кўтарди. Йўқ, орқасига опичламади, бир она ёш гўдагини бағрига олиб қандай кучса, ҳозиргина кўзимга душмандек кўринган аёл мени ана шундай кўтарди. Оғир меҳнат бир қўлини белига “михлаган” оғизга инсонга бу анча машаққатли бўлгани аниқ.

Онаминг бўйинидан қаттиқ кучдим. Ишонасизми, танамда зигирча ҳам оғрик йўқ эди. Гўё кўрқинчли тушдан уйғонгандим. Меҳрдан маст эдим. Унинг иссиқ кучоғидан айрилиб, ерга тушишни ўйлашмасдим. Шу тўғйу ичра бир умр қолишни истардим. Онам мени кўтарганча туртиниб-суртиниб, уйга кирди. Ўрнимга авайлаб ётқизди. Этаги билан юзимни, қўл-оёқларимни оҳиста артиб, чангдан тозалади. Кейин ёғ олиб келиб, бутун баданимга суртди. Устимни ёпинчиқ билан ўради. Бошимни силлади. Юз-кўзларимдан ўпди. Қоронғуда ўзини кўрмасам-да, фаршгагинамнинг қулиб турганини ҳис қилардим. Бир нарса аниқки, аслида, ўшанда у ёмон кунларни, очликни, ҳўрликни калтақлаганди, мени, ўз жигарбандини эмас, асло! Аммо мен бундай муносабат, меҳр ва ғаҳжўрликни туйиш учун онамдан ҳар қуни калтак ейишга ҳам рози эдим. Чунки она меҳри, унинг тафти жуда ўзгача. Унинг бағридан келаётган ёқимли ҳид аллалади чоғи, уйкуга кетдим.

Уйғонсам, онам, укам йўқ. Менга қорин тўйгулик нонушта тайёрлаб қўйилганига қараганда, укамнинг аҳоли анча яхши, биргаликда далага ишга кетишган. Шу-шу онам мени қайтиб урмади.

Дарвоқе, ўша китоб менга насиб қилмади. Чунки берилган вақтда уни ўқиб тугатолмадим. Аммо бундан ҳеч ҳам афсусланганим йўқ. Аниқ билардимки, ўша китобдаги воқеалар онам билан кечирган ҳаётимчилик қизиқарли эмасди...”

Оққа кўчирувчи:
Зебо КУТЛИЕВА.

► **Жаҳонда нима гап?**

ЭҲ, ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТЛАР...

АҚШда электрон сигаретлар чеккиш ёки “вейпинг”дан 18 киши вафот этди, 1080 кишида эса ўпка касалликлари аниқланди. Бу ҳақда АҚШнинг Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказларининг 3 октябрдаги ҳисоботида айтилган.



Уларнинг маълумотларига кўра, вейпингдан ўлиш ҳолатлари 15 та штатда қайд қилинган. Таъкидланишича, касалланганларнинг аксарияти, яъни 70 фоизини эркаклар ташкил қилади. Шунингдек, 80 фоиз ҳолатда гап 35 ёшдан кичик кишилар ҳақида бормоқда. Улардан 16 фоизини ҳали 18 ёшга тулмаган ўсмирлар ташкил қилади.

ЗАРБАЛАР БЕРИШ ТАҲДИДИ

Яманлик ҳусийлар уларнинг тинчликка чақирғига Саудия Арабистони хайрихоҳлик билдирмаса, подшоҳликка янги зарбалар беришларидан огоҳлантиришди.



Ҳусийларнинг таъкидлашича, янги зарбалар шунчалик кучли бўладики, сентябрда Саудия Арабистони нефть объектларига уюштирилган ҳужум “асийберг учигина” бўлиб кўринади.

Нефть объектларига ҳужум учун жавобгарликни айнан ҳусийчилар ўз зиммаларига олгандилар.

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ТАНҚИДГА УЧРАДИ
Озарбайжон президенти Илҳом Алиев Қорабөгдәги вазият сабабли БМТ Хавфсизлик кенгашини танқид қилди.



“БМТ Хавфсизлик кенгаши Қорабөг буйича 4 та резолюция, жумладан, босиб олинган ҳудудлардан арман кўчларини зудлик билан ва сўзсиз олиб чиқилишини талаб қилувчи резолюцияларни қабул қилган, бироқ улар 25 йилдан кўпроқ вақтдан бери бажарилмапти. Ва шу ерда биз қабул қилинган қарорлар бажарилиши борасида муҳим саволга келмоқдамиз. БМТ Хавфсизлик кенгаши энг олий халқаро орган. Агар Хавфсизлик кенгаши қабул қилган қарорлар 25 йилдан бери бажарилмаётган бўлса, унда бу ташкилотнинг самарадорлиги борасида қўплаб саволлар туғилади. Бизни Озарбайжонда резолюциялар бажарилишининг таънама характери ташвишлантиради”, деб айтган Алиев “Валдай” Халқаро мунозаралар клуби йиғилишида.

ТРАМПНИНГ ТИЗЗАГА УРИШИ ЁҚМАДИ

Финляндия президенти Саули Нинисте ва АҚШ президенти Дональд Трамп учрашувида қизиқ воқеа юз берди.



Трамп журналистнинг лўқма ташлашига жавобан “Финляндия — дунёдаги энг бахтли давлат”, деб жавоб бергач, Нинистеннинг тиззасига уриб қўйган.


Бирок Финляндия президенти бундай “хушмуомалаликка” тайёр бўлмаган кўринади, шу заҳотиёқ қўли билан Трампга “керак эмас” дегандек тўхтатувчи имо-ишора қилган. Икки етакчининг учрашуви 2 октябрда Оқ уйда бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.

► **Турмуш чорраҳаларида**

Оиланинг кичик фарзанди Акмал болалигидан эрка бўлиб улғайганди. Унинг хархашасига ота-онаси доим қулоқ тутарди. Нима деса йўқ дейишмасди. У ҳозир 6-синф ўқувчиси. Уни отаси мактабга ташлаб қўяркан:

Эркатойнинг



— Ўғлим, мактабда сени ҳеч ким хафа қилмаяптими? Агар бирортаси хафа қилса менга айт! — деди.
— Ҳўп...
Эртаси куни Акмал мактабга яқинлашганда уйга берилган вазифани бажармагани эсига тушиб қолди. Лекин шахдам қадамлар билан синфга кирди. Ўқитувчи ҳаммадан бирма-бир уйга берилган вазифани сўради. Бунинг устига, математика фани ўқитувчиси Эргаш ака ўта қаттиққўл устоз эди. Навбат Акмалга келди.
— Ҳўш, Акмал, қани ўрнингдан тур-чи, уйга берилган вазифани удаладингми?
— Халиги, устоз, кеча уйда чироқ бўлмади-да...
— Бу нима деганинг? Ҳаммининг уйда бор чироқ сенларникида ўчиб қолдими?! Библи қўй, ўқиб ўрганганинг ўзинга фойда. Утир, икки.
Акмалнинг хуноби ошиб, ўрнига жойлашиб ўтирди. Дарс тугагач, барча ўқувчилар уйларига шошилди. Шу қатори Акмал ҳам. Уйига кирди-ю отасига арз қила кетди.
— Анави Эргаш домла бору, мани уришиб ташлади. Уртоқларимни олдида изза қилди.
— Ўғлим, уришган бўлса, сени яхши ўқисин деган. Билим олсанг нимаси ёмон, — деди онаси. Шунда ота ўғлининг ёнини олди:
— Нималар деяпсан? Сен жим бўл! Ахир, менинг боламни уришига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу ишимни давомчиси, хусусий қорхонамни шунга очдим-ку! Ўғлим, хафа бўлма, эртага гаплашамиз...
Эртаси куни ота-бола ўқитувчи олдида боришди. Отаси Эргаш

ўқитувчига дақиқ бергандек бўлди. Орадан ойлар ўтди. Эргаш ўқитувчи билганидан қолмади. Йўқ, бунга қўнмаган “меҳрибон” ота тоздан ўч олмоқчи бўлди. Ушанда ҳар кунгидек Эргаш ўқитувчи ўз халлақари билан бўлиб, мактаб томон кетарди. Уни номаълум шахс чақирғи сергақлантирди.
— Машинага ўтир, гап бор!
— Ҳозир дарсим бор, сени эса танимайман, йўлингдан қолма!
— Куч ишлатишга мажбур қилма!
Ҳар томондан келиб тушган зарбалардан устоз ерга қулаб тушди. Уни машинага ўтказиб, овлоқ жойдаги омборхонага олиб боришди...
Эргаш ақани ҳам сўрайдиганлар бор экан, орадан вақт ўтиб, ўз-ўзидан “йўқолиб қолган” Эргаш ўқитувчи топилди... Ўқувчилари уни ўзгача меҳр билан қарши олишди.
Аслида, “меҳрибон” ота устозни кўрқитиб қўймоқчи эди. Лекин у ўйлаганчалик бўлмади. Оқибатда маҳалла-қўй олдида ўзи шарманда бўлди. Унга қонуний чора қўрилди.
Бола азиз, қилиги ундан азиз, лекин...
Ҳаёт сабоқлари. Яхшилик қилман, меҳр кўрсатаман деб ўзи севган, еру кўкка ишонмаган фарзандини ёшлигидан талтайтириб, айтганини дарҳол муҳайё қиладиган ота-оналар келажақда ўз қўллари билан ана шу фарзандининг ҳеч нарсага ярамайдиган боқиманда одам бўлиб қолишини наҳотки билишмайди? Бунинг учун албатта пешона деворга тегиши шартми?
Сиз нима дейсиз азиз, газетхон?
Муҳаммадсодиқ Тўраев.

QISHLOQQURILISHBANK

Акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ қурилиш банк” юртдошларимизга миллий валютадаги қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

“БАРАКА” омонат муддати — 19 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси — йиллик 23 %.

“ФАРОВОН” омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси — йиллик 21 %.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

“Қишлоқ қурилиш банк” — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Мурожаат учун: (+99878) 150-72-58, 150-93-39.

www.qqb.uz
Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқи асосида

“Ko’ngil ko’zi” — қалбларга йўл очади

1 Шундан, Ёвқош Абдуваитов математика фанидан, Аббос Умрзоқов эса она тили ва адабиётдан ўтказилган Республика фан олимпиадасида биринчи ўринни олиб, Ёвқош Ўзбекистон Миллий университетига, Аббос Тошкент давлат педагогика университетига имтиёзли қабул қилинди. Мамлакат миқёсида олий ўқув юрталарига



талабаларга қабул қилинган мактаблар ўқувчилари 30-40 фоизни ташкил этса, бизда бу кўрсаткич 50 фоизга етди, — дейди интернат-мактаб директори Рустам Сафаров.

Бу ерда таълим олаётган ўқувчиларнинг ўзларида қизиқиш кучли экани, айниқса, таълим, спорт, мусиқа йўналишидаги тўғарақларга иштиёқи баландлиги, ўзига муносиб касбни илҳом бериши мукаммал эгаллашга интилишидан ҳам сезилди.

— Компьютер маркази хонаси ташкил этилиши ўқувчиларда ўзгача завқ уйғотди, — дейди математика-информатика фани ўқитувчиси Окмурод Утамуродов. — Агентлик томонидан тақдим этилган компьютерлар кўриш қобилияти чекланган ҳамда кўзи ожиз ўқувчилар учун максимал даражада мослаштирилган. Шу жумладан, махсус овозли интерфейслар асосидаги дастурлар ўрнатилган. Хотираси 700 гигабайт, тезкорлиги 8 мегабайт, 23 дюм экран дисплейга эга бўлиб, компьютерни бошқариш учун “NVIDIA — 2019-1” овозли дастур киритилган. Махсус ишланган клавиатураси экрандаги матн блоклари, ёрликлар ва меню элементларининг номларини айтиш хусусиятига эга. Ўқувчилар бир-бирларига халақит бермасликлари учун барча компьютер жамламасига кулоқчин ўрнатилган.

Интернат-мактаб билан танишиш жараёнида яна шу нарса маълум бўлдики, ушбу компьютерларга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган, шунингдек, Агентлик ташаббуси асосида йўлга қўйилган “Болалик кунларимда” лойиҳаси доирасидаги аудиоэрталар ҳам жойлаштирилган бўлиб, ўқувчилар бўш вақтларида ўзбек халқ эрталари орасидан ўзлари истаганини эшитиш имкони мавжуд. Шунингдек, бадиий ва илмий адабиётлар билан ҳам таъминлангандир.

Тадбирда Агентлик раҳбарияти, Халқ таълими вазирлиги вакиллари, ихтисослашган мактаб-интернати ўқитувчи-мураббийлари ҳамда ўқувчилари, уларнинг ота-оналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Юсуф ХУДОЙКУЛОВ,
“Hurriyat” мухбири.

► Тахририятга хат

Олиб борилаётган ҳар бир эзгу сазой-ҳаракат “Ислоҳот-ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган улуғвор мақсадга қаратилгани янада аҳамиятлидир. Чинданга янгиланишларнинг туб мазмун-моҳияти инсон омилига қаратилгани билан эътиборга лойиқдир.

Қувур ётқизиш чала қолиб кетди

Юртимиз ўзгача чирой кашф этиб, ўзгаришлар бўлмоқда. Республикамининг қайси гўшасида бўлмайлик, замонавий, янгича қиёфа кашф этган, бир-биридан қолишмайдиган кўркем иншоотларни кўриб, қалбинг қувончга тўлади.

Халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошииб, меҳроқибатнинг мужассамлиги, ўзбек халқининг келажиги порлоқ эканлигидан далолатдир. Албатта, бундай эътибор ва ғамхўрликдан фахрланмай бўладими? Жумладан, биз Бўстонлик туманидаги Чинор маҳалласида яшаётган 364 хонадондан иборат аҳоли ҳам шарт-шароит ва имкониятлардан мамнун бўлиб, шу юрт фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз. Айни кунда маҳалламизга келсангиз, таниб бўлмас даражада

ўзгариб кетганлигига гувоҳ бўласиз. Айниқса, “БўСТОНЛИҚ ПЛАСТЕК” ип йигирув фабрикасининг ташкил этилганлиги қишлоғимиз кўркига янада кўрк қўшди. Натижада 200 нафар ёшларимиз иш билан таъминланди. Лекин бир муаммо борки, бизни ўйлантириб келмоқда. Бу ҳам бўлса, маҳалламизни газлаштириш масаласидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 мартдаги баённомасининг 15-бандига асосланиб, Чинор маҳалласининг аҳоли хонадонларига табиий газ қувури тортиш режалаштирилган эди. Аммо 3,5 километр узунликдаги газ қувури “Чорвоқ” худудига олиб

келинди-ю бизнинг маҳаллага бор йўғи 600-700 метр қувур тортиш қолганида иш охиригача етказилмай, қолиб кетди. Тошкент вилояти архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилиб, экспертизадан ўтказилган бўлса-да, “Ўзтрансгаз” АКдаги раҳбарлар бизни ҳар хил баҳоналар билан чалғитмоқда. Қишли-кировли кунлар яқин қоляпти. Хадемай қиш кириб келади. Кўглаб мурожаатларимизга “маиший газ баллонларидан фойдаланишлар” деган мазмунда “Тошкентгазтаъминот” унитар корхонаси ва бошқа идоралардан “маслаҳат”ли жавоблардан нарига ўтилмаяпти.

Туя элак ортганда оксайди, деганлари шу бўлса керак-да. Ростки, мурожаат қилавериш чарчадик. Аммо... юртимизнинг халқпарвар мутасаддилари 400 га яқин хонадонда яшовчи 1500 дан зиёд аҳоли номидан қилаётган аризмасизга балки эътибор қаратишар деган илинждамиз. Зеро, Президентимиз кўп бора таъкидлаганидек, одамлар эртага ёки келажакда эмас, бугун яхши яшашни истаيدди. Ёки бу улўғ ақида, керак бўлса эзгу топшириқнинг “Ўзтрансгаз” АКдаги акаларга алоқаси йўқми?

Чинор МФЙ ахли номидан
Тоҳир КОБУЛОВ,
Рисқитилла МЎМИНОВ,
маҳалла фахрийлари.

► Тафаккур

Донишмандлар устозлар хақида

Устознинг хулқидан ўрнак олиш яхши хулқни тирилтиради.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

Ҳақ йўлида ким санга бир харф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Алишер НАВОИЙ.

Ҳақиқий устоз шогирдининг эртаси учун ҳеч бир таъмасиз бор илмини беради. Камолга етган шогирд эса кўп долларда бунни унутмади.

Жалолиддин РУМИЙ.

Фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллим тарбиясига боғлиқдир.

Абдулла АВЛОНИЙ.

HURRIYAT Миллий ахборот агентлиги	Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ	Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлади. Мақтубларингизни кутамиз.	Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91 Тел-факс: (0-371) 244-32-80 Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88	Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazzhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси	Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.	Адали: 4005 Буюртма — V-3812	Обуна индекси: якка обуначилар ва ташиқлотлар учун — 233	Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.
	Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нарҳда	1 2 3 4 5	Навбатчи: Х.Файзиева. Мусахҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.	“O‘zbekiston” НМИУ Босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

TURON BANK

Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» ва «MasterCard»дан Янги йил акцияси!



«Туронбанк» АТБнинг «MasterCard» халқаро пластик карталари орқали 300 АҚШ доллари миқдоридagi тўловни амалга оширинг ва Янги йил байрамини Жануби-шарқий Осиё денгизи соҳилларида кутиб олинг.

Акцияда фақат «Туронбанк»нинг «MasterCard» эгалари иштирок эта оладилар.

Акция 2019 йилнинг 15 августидан 1 декабрига қадар давом этади.

Ғолиблар тасодифий танлов шартларига кўра аниқланади.

www.turonbank.uz

f turonbank
turonbank turonbankuz

99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган